

UZA | O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi

O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi

Elektron jurnal
2023-yil mart soni №03 (41)

Toshkent-2023

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр
2023 йил март ойи сони №03 (41)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов
А.Асқаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Сандов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжа
Н.А.Хусанов

Қ.Ш.Омонов
А.С.Сағдуллаев
С.С.Ғуломов
Ф.Ғ.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Н.М.Маҳмудов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов
Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

МУНДАРИЖА

Иқтисод

Қ.М.КАРИМҚУЛОВ, Ш.Ж.СОДИҚЖОНОВ. Қисмларга ажратилган, йиғилмаган ҳолда импорт бўлаётган айрим товарларни товар номенклатураси асосида таснифлаш.....	3
Т.Н.ПАРДАЕВ. Божхона тўловларидан бериладиган имтиёзлар самарадорлигини ошириш йўллари.....	10
З.Р.СОДИКОВ. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграциялашувининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари.....	17
Б.А.МАҚСУДОВ. Давлат улуши мавжуд банкларда муаммоли активлар ҳолати ва уларни қисқартириш йўллари.....	22
К.А.ЖАҲОНГИРОВ. Халқаро туризм ривожланишида таълим туризми ҳамда таълим дастурларининг аҳамияти.....	31
Б.Э.ТУРАЕВ. Сурхондарё вилояти қурилиш материаллари саноати ривожланиш тенденциялари барқарорлигини баҳолаш.....	40
С.НОРҚУЛОВ. Рақамли технологиялар эволюциясининг ўзига хос хусусиятлари.....	46
З.О.КУВАТОВА. Товарларнинг боғхона расмийлаштирувида иқтисодий-ҳуқуқий бошқарув омилларининг таҳлили.....	52

Юридик

А.А.ОЛЛАМОВ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини услубий таъминлаш вазифалари.....	58
В.А.ХОМИДОВ. Жиноят процессида тинтув тергов ҳаракатига оид процессуал қондаларнинг ривожланиш босқичлари.....	63

Филология

У.РАСУЛОВА. Ҳозирги ўзбек романлари поэтикаси.....	70
А.С.МУСАЕВ. Сленг бирликлари ҳосил бўлишнинг лексик-семантик усули.....	76
Н.Н.РАМАЗОНОВ. Юридик терминлар тезаурусини тузилишининг баъзи масалаларига доир.....	81
Н.Э.МУХАММЕДОВА. Тони Моррисон ижодида мўъжизавий реализм талқини.....	86
З.М.АМИРКУЛОВА. Тарихий ҳикояларда тарихий воқеалар талқини.....	92
Қ.АБДУРАСУЛОВ. Тинглаб тушунишда матн танлашнинг грамматик ва семантик асосларининг хусусияти.....	97
Х.ҲАМДАРД. Афғонистонлик ўзбек аёл шоираси: Кубро Кейвон.....	102
Л.А.АБДУЛЛАЕВА. Инглиз юридик терминларининг таркибий турлари бўйича таснифи.....	108
Д.ТОЛИПОВА. Типы лексических лакун.....	116
А.Ф.ИСМАТОВ. Халқ эртаклари лингвомаданий объект сифатида.....	121

ФИЛОЛОГИЯ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИ ПОЭТИКАСИ

Умида РАСУЛОВА

филология фанлари доктори

Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада замонавий ўзбек романлари поэтикаси, бадний образ моҳиятининг янги талқинига аҳамият қаратилади.

Таянч сўзлар: роман, жанр, поэтика, руҳият, давр, рамз, образ, тафаккур

ПОЭТИКА СОВРЕМЕННЫХ УЗБЕКСКИХ РОМАНОВ

Умида РАСУЛОВА

доктор филологических наук

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье уделяется внимание поэтике современных узбекских романов, новой интерпретации содержания художественного образа.

Ключевые слова: роман, жанр, поэтика, духовное состояние, время, символ, образ, мышление.

Замонавий роман поэтикасида инсон ва табиат уйғунлиги нозик талқин этилади. Тирикликнинг онаси табиатни асраш инсоннинг бурчи. Унга нисбатан қилинган жиноят одамзотни ҳалокатга бошлаши аниқ. Ижодкорлар инсоннинг борлиқ ҳодисоти мағзини англаб, табиатни тушунишига, авайлашига ишора қилиб, у билан яхлит эканини асослаб берадилар. Нормурод Норқобиловнинг “Қорақуюн”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Наъматак”, Абдуқаюм Йўлдошнинг “Дарё” асарларида қахрамон руҳиятига параллель ё зид тарзда борлиқ ҳодисоти жилоланиб туради. Макон тасвирида тоғу адирлар, дашту дарёлар маълум қатъий низомга бўйсунгани, инсоннинг бу тартибга зулми, лоқайдлиги ўзига кўплаб зиён етказиши воқеалар занжирини бирлаштириб туради.

Ҳозирги кунда инсоният оламнинг яхлитлиги таълимотини идрок этмоқда. Бадний адабиёт одамзот, ҳайвонот, наботот дунёсини уйғунликда талқин этади. Уларнинг узвийлиги олам моҳиятини теран англаш, дунё меҳварини ҳис этиш саодатини насиб этади. Инсоният хилқат асрорини уқишга иштиёқманд. Борлиқдаги тўрт унсур: сув, ҳаво, тупроқ, ўт каби неъматлар тириклик мазмунини ифодалайди. Улар ўртасидаги

биологик алоқаларга путур етса, курраи замин мувозанати бузилади. Табиатнинг асл ҳолати ўзгарса, одамзотнинг жисмоний ҳамда руҳий қуввати сустлашади. Шу боис аҳли донишлар тафаккур қудрати ила микро оламдан макро оламгача зеҳн солганлар. Халқ эътиқоди билан боғлиқ анъаналарни келажак авлодга етказишга эътиборли бўлганлар.

Бадий насрда инсон туйғуларининг табиат ҳодисаларига параллель ё контраст келтирилиши воситасида борлиқдаги яратилар аро қатъий мувозанатни идрок айлаш имкониюзага келаетгани маълум бўлади. Адиблар айна шу мувозанатни меъёрлаштириш, оқилона ҳамда одилона йўл тутиш мақсадида онгли инсонга табиат билан ҳамнафас, бир бутунлигини ёдда сақлашни сингдириб бораётгани аёнлашади. Ижодкорлар жонзот образини ҳар томонлама тасвирлашга эътибор бериб, уларнинг туйғу кечинмаси, кондошлик вафосини инсонга ибрат қилиб кўрсатаётгани ойдинлашади.

Наби Жалолiddиннинг “Тегирмон” романида собиқ тузумнинг қатағон сиёсати Абдулхамид Чўлпон қисмати мисолида аёнлашиб боради. Давр ва шахс, қахрамон ва замондош муносабатидаги контраст адолатсизлик, хиёнаткорлик, маддоҳлик фониди кабариб кўринади. Андижондаги Дукчи Эшон воқеаси, Туркистон мухторияти борасидаги тарихий воқеалар ретроспектив усулда ёритиб борилади. Чўлпоннинг адабий даври, оила муҳитидаги воқеликлар эътиқодида собит зиё сарбони қиёфасига чизги тортади. Унинг юксак интеллект, тафаккур ва тахайюл олами жадиличлик ғоялари тарғибидаги эркесвар шахслар билан мулоқотида ойдинлашиб боради. Тегирмон сўзи заминида зўравон истибод тузумнинг механизми назарда тутилади. Мафкуравий зугум Чўлпон ва унинг маслакдошларини маҳв этишга ожизлик қилади, улар қалбидаги эркин, озод фикрни сўндира олмайди. Асардаги баъзи чалкаш мулоҳазалар, хусусан, Бехбудий шахси билан боғлиқ маълумот китобхонда эътироз уйғотади. Шундай бўлса ҳам адиб собиқ тузум давридаги ҳаёт ҳақиқатини имкон даражасида ёритишга ҳаракат қилган.

Роман жанри ривожига муносиб ҳисса қўшаётган носир Исажон Султон “Боқий дарбадар” асари билан китобхонни мувоҳасага чорлади. Асар тузилмаси уч замон: мозий, бугун, келажакни қамраб олади. Романда тарих, фалсафа, эстетика, тиббиёт соҳалари аро муштараклик воқеалар занжирини пайвандлаб боради. Макон тасвиридаги турфалик, яъни, Миср, Гоби саҳроси, Ҳайбар шаҳри, Америка қитъаси, Атлантика уммони янглиғ хронотоп инсониятни турли синоатдан олиб ўтади. Романда Куръони қаримдаги илоҳий ахборотдан бадий ниятни маромига етказишда фойдаланилган. Хусусан, Исо алайҳиссалом Муборак кишининг дунёга келиб, қавмларга илоҳий мужда етказгани боис басир нотавонлар зулмига учрагани сюжет қатламинини теранлаштиради. Ҳазратнинг башорати, этикдўзнинг дарбадарлик қисмати фанийлик ҳамда боқийлик хусусидаги тасаввурни аниқлаштиради.

Асар матнидаги “Сенинг қиладиган ишинг ҳеч нарса, ҳеч нарса, фақат ҳеч нарса, дейилди унга” қавли? Ёлғиз этикдўзга эмас, назаримда имондан мосуво минглаб “басир” қимсаларга тааллуқли. Бу ҳукм интиҳого қадар давом этиши лўлилар қарвонбошиси бесамар саргардонлиги лавҳасида ҳам бўртиб кўринади. Дарбадарнинг Мусо ва Ҳизр алайҳиссаломларни учратиш илинжида денгиз соҳилида кезиниши, Ҳиро ғоридаги ваҳий неъмат, Қаҳф ғоридаги йигитларнинг уч юз йиллик ҳолати илоҳий Китобдаги ниҳон маъно қалитини топишга ишора беради. Адиб роман матни таркибига авлиё ҳикоясидаги воқеликни сингдиришида офийт, ризқ, ажр борасидаги тасаввур кенгайди. Бутунни қисмларда нозик аниқлаш мақсадида бир сўз ёхуд иборалар (парчинланиш\Исо алайҳиссалом; мўғул қиличи\ Нажмиддин Кубро\ дор ёғочи\ Бобораҳим Машраб)

турли даврда яшаган азиз сиймолар сулукини ёритишга хизмат қилади.

Инсон такомили марказида соҳасининг энг билимдон генетиклари ниҳоят ватан, дин, миллат туйғуларидан маҳрум ғайритабиий мавжудот сунъий одам яратишга муваффақ бўладилар. Замоनावий манкурт янглиғ бу одамнинг махсус ҳарбий ҳукм ижросиси бўлиши мақсад қилинади. Асар композициясидаги туб бурилиш заковат соҳиби – олимларни лол қолдиради. Роман поэтикасида сунъий “барҳаёт” одамнинг электрон хат шаклидаги мурожаати асос, негизни мухтасар ифодалайди: “Мен бу мурожаатимни оламдаги барча тафаккур қилувчи жонзотларга йўлламоқдаман. Аввало, ушбу тевақалнинг, самоларнинг, табиатнинг ва охир-оқибат фикрловчи инсон наслининг ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолиши эҳтимолдан ғоятда узоқ нарсадир. Бу оламни албатта кимдир яратгандир? Шу боис, бу маконни аввало, Уни излаб топиш ва бутун олам яратилишининг сабабларини Ўзидан сўраш учун тарк этмоқдаман”.

Асарда бугунги кунда тиббиётнинг муҳим ва мураккаб тармоғи генетика асрори мағзини англашга урғу берилар экан, унинг заминидagi нозик масала теғрасида сунъий инсон яралиши асорати, ҳалокати бўй кўрсатади. Инсон такомили марказидаги дунё генетик олимлари тафаккур ва тахайюл олами, илмий салоҳияти баланд бўлса ҳам, олий низомни идрок этмагани боис кашфиёти саробга айланади. Яратиш фақат Аллоҳга хослигини унутган аҳли зиёлига муқаррар жазо рўбарў қилинади. Романда Гоби саҳросидаги зулумот Қуръондаги Абраҳа ва филларнинг нобуд бўлиш манзарасини хотира пучмоғида тиклайди. Мукаммал ҳарбий техникалар оғир бўлса ҳам енгил кум зарралари бўрон ҳосил қилиб уларни ўз гирдобида нобуд қилади. Атлантика уммонидан участкан Боинг самолётини ҳам даҳшатли бўрон парчалашида муқаррар ҳукмнинг хотимаси идрок этилади. Инсоннинг исёни, кибри уни дунё ва охираг азобу уқубатига мубтало этилиши, фақат имони бутун бандагина ҳаловатга эришиши китобхонга сабоқ бўлади.

Исажон Султоннинг “Озод” романида кўл, тоғ, қизилиштон, саъва, какку, пўкка, қарға, бойкуш каби қушлар тирик сайёра мўъжизаси мажозий қатламни қувватлантириб туради. Дунё тилсимини сағиру кабир силсиласида англантиш ниятида атрофу оламдаги мавжудотлар ҳаракати, яшаш тарзи саҳифалари варақлаб борилади. Исажон Султон шарқ, ислом мусулмон фалсафаси заминидagi олий ҳақиқатни уқтириш илинжида мумтоз анъаналарни қоришиқ тарзда кўллаб боради. Тасаввуф фалсафасига ишора тарзида етти водийга сайр лавҳаси илоҳий ишқ маҳзанини англантишга ишора беради. “Озод” романида қаҳрамон руҳий-маънавий дунёси илоҳий ишқдан тўйингани аёнлашади.

Романлардаги тимсолу рамзлар тирик сайёрадаги заррадан азим уммонгача ўзига хос вазифа бажаради. Исажон Султон романларида шамол донишманд, йўлбошчи, зийрак ровий, илоҳий иноят тарзида тақдим этилади. У воқеа-ҳодиса, тимсол, рамзларни шарҳлаб, маъно узварини бирлаштириб боради. Адабиётшунос Абдуғафур Расулов айтганидек, “Озод шамолни устоз дейиш даражасига боради. Шамол ёзувчи имкониятидаги туганмас поэтик имконият. Яратилажак тимсоллар мояси. Ёзувчи нафақат шамол, бўрон, тўфонни ўрни-ўрни билан ҳашорату ҳайвонотни, парранда-ю, парку булутни, капалаклар, ниначиларни тасвирлайди. Уларнинг ҳар бири маъно қати, рамзи сифатида акс эта бошлайди”.

“Боқий дарбадар” романида самум қайноқ шамоли саҳродаги кишиларга ҳалокат келтиради. Атлантика уммони устига шамол фалокат булутини ҳайдаб келади. Борлиқдаги тартиботни издан чиқариш ниятидаги сўқир кимсалар ҳаёти саробга ўхшайди, улар

куёшу ой, шамолу булутларнинг вайронкорлик гирдобидан қутула олмайди. Тафаккур соҳиблари эса ҳар бир ишнинг оқибатини ўйлаб, ҳидоят манзилини ихтиёр этадилар.

Улуғбек Ҳамдамнинг асарларида оила маънавияти масаласи турли муҳит кишилари қисматида ёритиб келинади. "Мувозанат" романида уч дўстнинг оилани бошқариш тутуми, фарзандга муносабати кўрсатиб берилган. Улар ўз дунёқараши, ҳаёт фалсафаси асосида боласига ахлоқ низомини сингдиришга ҳаракат қилади. Болаларни рухий, маънавий жиҳатдан жамиятдаги турли жараёнларга тайёрлаш, синоатли онларда мувозанати, ўзлигини йўқотиб қўймасликка тоблаш мақсад қилинади. Муҳими, бозор иқтисоди шароитида моддиятдан кўра маънавиятнинг юксаклиги, ижтимоий муҳитда каттаю кичикнинг фаровон турмуш кечирish гарови эканини аста англашиб борилади.

"Сабо ва Самандар" романида отанинг ақлли фарзанд тарбиялаш йўсини техника асри ютуқларига таянган ҳолда амалга оширилади. Шердил (исмда рамз мавжуд)нинг болалиқдан фақат роботга ошиқлиги ақллилик балосига мубтало этади, бу гирдоб эса уни қобилигига ўрайди. Ота, онага кексалик даврида суянчиғи, ишончи Шердилнинг совуққон муносабати трагик пафосни юзага келтиради. Яъни, ўз фарзандлик бурчини унутган басир ўғил падару волидасининг вафотидаги лоқайдлиги ила замонавий манқурт қиёфасини намоён этади. Шердил ва Сабонинг оила риштаси бойлик ҳалқаси билан пайвандланган, ақл кишиси юрак измидаги аёли туйғуларини ҳис этишдан маҳрум, табиийки, фарзандлар шу муҳит ҳосиласи сифатида камол топадилар. Тўқис ҳаётга ҳавасмандлар қошона асрорини англамагани боис уларни бахтли оила санайдилар. Муаллиф бу романида ҳам тириклик диёри мувозанатида қалб ва ақл уйғунлиги муҳимлигини муайян ишоралар воситасида китобхон шуурига етказишга муваффақ бўлади.

Улуғбек Ҳамдамнинг "Ота" романи бугунги ижтимоий турмушдаги майда иллатларнинг кишилар онгига сингиши, ёшларнинг тақдир зарбаларига бардоши мотивларини ташкиллаштириб боради. Онанинг неvara кўриш илинжида фолбину азайимхонларга бориши ҳануз кишилар орасида бидъат урчиётганидан воқиф айлайди. Пўлат ҳаёт машаққатида тобланиб, ўз оиласини асраб қолишга, хотини Ёғду билан аҳилликда умргузаронлик қилишга аҳд қилади.

Оилада йиллар давомида орзиқиб қутилган гўдак Севинчнинг дунёга келиши таранг вазиятни анча юмшатади. Ўт ўчирувчи касби боис қўплаб инсонларни офатдан қутқаришга ҳисса қўшган ота ўз дилбандига мадад беролмайди. Мальун қўшни сабаб ёнғинда зиён кўрган хаста Севинчнинг ҳаётининг ғамгин, эзгин саҳифалари аста варақланади. Унинг тенгдошлари, қўни-қўшни, қариндошлари тазйиқидан кўрган таҳқир азоби отаси Пўлат ва Ёғдунинг ҳаловатини кетказди. Қилмиш-қидирмиш нақлига кўра, ёмонлик, зулм, ҳасад иллоти қўшни эркакнинг оиласини пароканда қилади. Дилбанди қизига совчи келмаслиги, бахти кечикиши яна ота-онани тушқунликка солади. Оилада эр-хотин орасидаги ишонч, отанинг фарзанди билан самимий, дўстона муносабати ноҳуш ҳолатга имкон бермайди.

Асарда кульминацион нуқта Севинчнинг ҳомиладорлигидан воқиф бўлган Пўлатнинг ўз қизи қотилига айланишида кузатилади. Ўзбек миллатига хос номус, орият масаласи отанинг ғазабнок ҳолатини юзага чиқаради. Қалава учини кеч англаган Пўлат қамокхонада пушаймонликдан изтироб чекади. Ҳаётга Ёғдунинг ҳароратсиз, туссиз нури армон, Севинчнинг сирли хатоси азоб келтиради. Романдаги сюжет чизиғида Севинчнинг отасидан яширин бир йигит билан никоҳ ўқитгани, ундан фарзанд қутгани

маълум қилинади. Ота, она, қиз ҳалқасига ошкоралик, ишонч, вафо бўлмагани сабабидан путур этади, шу аснода бир оила завол топади. Бу асарда ижтимоий дардга айланаётган муаммо ота гуноҳи, она йўриғи, қиз хатоси заминда ғазаб, қаҳрни жиловлаш, аҳиллик, бирдамлик, ўзаро ишонч билан турмуш синовига зарба беришга чорланади.

Иқбол Мирзонинг “Бону” романи композицияси сме хабарлар воситасида ташкилланиб, ҳаётий лавҳалар китобхонни турли муҳитдаги ижтимоий муаммоларга рўбарў қилади. Насрий матн таркибидаги лирик чекиниш Хувайдо ғазаллари силсиласида одамийлик рутбасига сиддиқлик, эзгуликни тарғиб этади. Латофатли, оқида Бонунинг болаликдан бобосидан ислом ўғитини олиши унга тақдир ўйинини енгилда катта таянч бўлади. Талаба Бонунинг дардга чалиниши, хуснида зуҳрланган доғлар драматик вазиятни юзага келтиради. У аста ўз тенгдошлари, сўнг оила аъзолари томонидан таҳқирга учрайди. Ақасининг дўсти тухмат ила Бонунинг шаънини топташи, отанинг бу иснодга чидолмай вафот этиши драматизмни кучайтиради. Олмос (исмда киноя бор) муҳаббати ҳам аста кўланкага айланиб борар экан, қиз танҳолик, узлатга чекинишни лойиқ кўради. Романда бедаво дардга йўлиққан турли ёшдаги хасталар макони асарнинг кейинги қатламини варақлаб боради. Бу манзилда барча бир хил, камситиш, таҳқирлаш, ижирғаниш йўқ, Бону ўзга муҳитда касаллар билан эркин яшай бошлайди. Хасталарни алдаган фирибгарларнинг дориси боис биёбонда оху-воҳлар кўкка ўрлайди, мазлумлар хийлакорларни дуоибад қилади.

Муаллиф Россиядаги ўзбек фуқароларининг қора меҳнати хусусидаги лавҳаларда икки тоифани муқояса этади, бири – ҳалол иши ортидан пул жамғариб оиласига юборса, иккинчиси – ичкилик, фаҳш найрангида тубанлашиб боради. Бонунинг рус диёридаги синовлари турли манзилга ўзгариб бориши асносида кишилар ниқоби очиланади. Дилянинг рус кампирга энағалиги фониди яширинча фаҳш ниятини амалга ошириши, Бону эса бу аёлнинг ифлос йўриғига юрмагани боис қаҳратонда қашшоқлар билан кун кечириши лавҳасида машаққатли ҳалол нон ҳаром лаззатдан устунлиги аёнлашади. Бону фитратида ор, номуссиз Диляга нафрат сўнмайди, бу тоифа ўзбек аёли ўз миллати хусусида бошқаларда ёмон таассурот қолдириши кишини изтиробга солади.

Асарда лўли хонадонидаги ички тартибот хизматкор Бонуга қизиқ туюлади. Ватану дин танламайдиган лўлилар табиатидаги адолат туғи Бонунинг болаларни итнинг хужумидан қутқариб, ўзининг жабрдийда бўлишида қалқиб кўринади. Лўли кампир Бонуни даволатиб, ўз оиласи аъзоси қаторида эҳтиром кўрсатади. Бунда улардаги оқибат, тантилик фазилаги ибрат тарзида қабул қилинади. Бону ҳаёт саҳифасида яна Олмоснинг пайдо бўлиши, оғир хасталигини рўқач қилиб содда Бонудан пул ундиришида ёлғончи, андишасиз киши гавдаланади. Иқбол Мирзо қаҳрамони суратида касаллик аломати бўлса ҳам, тийнатида одамийликка вафосини сақлаб қолади. Бойлик ва қашшоқлик, тантилик ва тубанлик, тўғрилиқ ва фирибгарлик ёнма-ён ҳолда кишини боқийлик имтиҳонида саралашни воқелар занжирини мустаҳкамлаб боради. Асар хотимасида Бонунинг бу фитнакор, виждонсиз кишилар муҳитидан ўзга манзилни ихтиёр этиши маълум қилинади.

Замонавий романлар поэтикасида синкретизм (жанрлараро ички алоқадорлик) масаласи кўзга аниқ ташланади. Асардаги лирик чекиниш, кескин драматик вазият қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришларни образли акс эттиришга хизмат қилади. Ёзувчининг “Боқий дарбадар” асарида Алишер Навоий, Машраб, “Бону” романида Хувайдо ғазалларидан намуналар келтирилиши лирик пафосни намоён этади. Баъзан асарларда

фольклор элементлари ҳам учрайди, асарларда дoston мотивига монанд контраст лавҳа киритилиши адиб бадий тафаккури маҳсули саналади. Муҳими, романларда макро ва микро олам моҳияти теран ёритилишига эътибор ортмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзо, Иқбол. Бону: роман. – Тошкент: Шарқ, 2019.
2. Расулов А. Бадийлик-безавол янгилик. – Тошкент: Фан, 2007.
3. Раҳимжонов Н. Истиклол ва бугунги адабиёт. – Тошкент: Фан, 2012.
4. Султон, Исажон. Бокий дарбадар. – Тошкент: Адабиёт, 2011.
5. Султон И. Озод. – Тошкент: Адабиёт, 2012.
6. Ҳамдам У. Ота. – Тошкент: Шарқ, 2021.

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi

